



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Абдуллаев Муҳаммад Оллаберган ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 315-гуруҳ курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18162809>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-yanvar 2026 yil
Ma'qullandi: 05-yanvar 2026 yil
Nashr qilindi: 06-yanvar 2026 yil

KEYWORDS

ҳамкорлик, солиқ органлари,
адлия органлари,
фуқароларни ўзини-ўзи
бошқариш органлари,
жамоат бирлашмалари,
фуқаролик жамияти
институтлари

ABSTRACT

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар, хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқалар ҳақида сўз юритилади

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 9-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб берилган. Буларга

- 1) ички ишлар органлари; 10-модда
- 2) прокуратура органлари; 11-модда
- 3) Давлат хавфсизлик хизмати органлари; 12-модда
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари; 12¹-модда
- 5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари; 12²-модда
- 6) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; 12³-модда
- 7) адлия органлари; 13-модда
- 8) давлат божхона хизмати органлари; 14-модда

- 9) давлат солиқ хизмати органлари; 15-модда
 - 10) меҳнат органлари; 16-модда
 - 11) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; 17-модда
 - 12) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; 18-модда
 - 13) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари; 19-модда
 - 14) Ёшлар ишлари агентлиги
- Қонунинг 10-19-моддаларида ушбу органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши алоҳида кўрсатилган. Ушбу қонун нормалари асосида профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорлиги йўналишларини белгилаб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорида давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорликдаги ишлар биринчи галдаги устувор вазифалар сирасига киритилди.

Жумладан қарорда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгилаб берилди.

Профилактика инспектори давлат органлари бошқарув соҳасидаги ваколатлари доирасидан келиб чиқиб ҳамкорликдаги ишларни ташкил этади ва амалга оширади:

Адлия органлари - билан аҳоли ўртасида умумий профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда имкониятлар юқоридири. Республикада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот мавзулари туб моҳиятидан келиб чиқиб, маърузалар ўқилиши, давра суҳбатларининг ташкил этилиши ва учрашувлар ўтказилиши айнан адлия органи билан ташкил этилиши самарадорлиги юқоридир.

Солиқ органлари - давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;

- солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш, пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

- бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиш, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

- аҳолининг солиққа доир ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф этиш ҳамда аниқланган бу борадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал этиш;

- солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа шу каби жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда айбдорларга тегишли чораларни кўриш бўйича текширув, қўшма рейд ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, бу соҳадаги ташкилий, методик ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

- солиқ тўлашдан бош тортиб келаётган фуқаролар билан яқка тартибдаги профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда уларнинг белгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширишларини таъминлаш чораларини кўриш;

- контрабанда йўли билан олиб кирилган ва бошқа белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товар маҳсулотлари билан савдо қилаётган дўконлар ва савдо шаҳобчаларини аниқлаб, бу ҳақда ҳудудий солиқ органларига хабар бериш орқали қонунбузарликларни содир этаётган фуқароларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш;

- алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир чеклашларга риоя этишларини таъминлаш, жумладан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш, акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда сотиш, қолаверса таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам масофа жойлашган савдо объектларида сотилишининг олдини олиш чораларини кўриш.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда ва жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик билан ҳамкорлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирги даврда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда ва жиноятчиликка қарши курашишда фақатгина ички ишлар органларининг вазифалари эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий мажбуриятларидан биридир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши асосий вазифалардан бири этиб белгиланган, фуқаролик жамияти эса, юксак даражада уюшган, тартибли муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмларидан иборатдир. Бу механизмларни эса, асосан жамоат бирлашмалари, жамоат тузилмалари ташкил этади. Шунинг учун ҳам профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти белгиларини ташкил этадиган жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлиги самаралидир. Мамлакатимизда жамоат тузилмаларининг ролини ошириш мақсадида кўпгина ишлар

амалга оширилиб келинмоқда, шу жумладан уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат таш-килотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аниқроқ айтганда, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси эркин демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Таъкидлаб ўтиш лозимки фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги ва мустаҳкамлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмларидан иборатдир. Бу механизмларни эса, асосан жамоат бирлашмалари, жамоат тузилмалари ташкил этади.

Шу боисдан, мамлакатимизда маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуриш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланди ва давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат бирлашмаларига бериб бориши принципи асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ишлар белгилаб олинди ва амалга оширилди. Жумладан, бу жараён Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида нормалари билан мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг “Жамоат бирлашмалари” деб номланган XIII-бобининг 56-62-моддаларида уларнинг мақоми белгилаб берилди, хусусан мазкур нормаларда давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг уларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги, қонун олдида тенглиги, жамоат бирлашмалари фаолиятини тақиқлаш фақат суд қарори асосида амалга оширилиши борасидаги қоидалар белгиландики, шуларнинг ўзи маҳалла институни мустақил фаолият юритиши кафолатини белгилаб беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда

ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятдир деб кўрсатиб ўтилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Маҳалла институтини ривожлантириш, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мунтазам равишда таъкидлаб бу борадаги фикрларини билдириб келмоқда.

Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда алоҳида вазифалар юклатилиши аҳамиятлидир.

“Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади¹.

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга².

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда³.

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида маҳалланинг мавқеини тубдан ошириш, тизим иш фаолиятини самарали ташкил этиш, уни том маънода халқчил тузилмаган айлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилдики, бунинг натижасида бугунги кунда маҳалла гузари – одамлар шунчаки келиб кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари этиб белгиланди. Мазкур тартиб профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигини янада кучайтирди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан:

- аҳоли, энг аввало ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга

¹ Президент: олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017).

² Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикасини самарадорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).

³ Ички ишлар органлари таянч пунктларида фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017. – 254 б.

қаратилган тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

- ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш;

- оила-турмуш муносабатлари соҳасида ғайриижтимоий хулқ-атвор, қилмиш, турмуш тарзи ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилишида амалий ёрдам кўрсатиш.

Профилактика инспекторининг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда ҳуқуқий асослар муҳим аҳамият касб этади.

а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

г) Ички ишлар вазирлигининг идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

е) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлари.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг энг самарали усули бу ҳамкорликдаги фаолиятдир. Шу муносабат билан туман(шаҳар) ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг асосий вазифаларидан бири сифатида профилактика хизмати ходимларининг фаолиятини ташкил этиш жараёнида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишни таъминлашлари лозим.

Бундан ташқари ҳамкорликни ташкил этиш учун ҳудуддаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни чуқур таҳлил этиш ва бажарилиши лозим бўлган тадбирларни ўз ўрнида режалаштиришни тақазо этади

Асосий адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2023.– 288 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни <https://lex.uz/docs/4494709>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-1685726>.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.